



2023: Special Issue "Problems and Prospects for the Development of Accounting, Economic Analysis and Audit Based on International Standards in the Conditions of Economy Digitalization"

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич

ТМИ фахрий профессори

khaitmurat_kh@mail.ru

Хушмурадов Оман Номазович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси
доценти, и.ф.н.

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва уларга таъсир қилувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари, буларга оид айрим статистик кўрсаткичлар тизими таҳлил этилиб, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида уларнинг ўрнига баҳо берилиб, тараққиётнинг жорий ва келгусидаги чора-тадбирларини белгилашда демографик жараёнларнинг таъсири тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Демографик жараёнлар, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, аҳоли таркиби, меҳнат ресурслари, демографик сиёсат, аҳолининг табиий ўсиши, туғилиш, миграция, вафот этиш.

КИРИШ

Демографик ресурслар ҳар қандай давлатнинг қудратини юзага келтирувчи энг катта бойлигидир. Шунга кўра иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилишда буюмлашган капиталдан ташқари миқдор ва сифатдан ташкил топган инсон капитали муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда барқарор демографик вазият пайдо бўлиб, доимий ҳолда аҳоли сонининг табиий ва умумий қўшимча ўсиши содир бўлмоқда.

Аҳоли сонини, таркибини, табиий ва механик ҳамда социал ҳаракатларини тавсифлаш ва миқдорий баҳолаш давлатни бошқариш органлари ва истеъмол бозори талабларини қондириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат демографик салоҳиятининг миқдорий ўзагини инсон ташкил этади ва мазкур омилнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви бевосита меҳнат салоҳиятининг шаклланишига сабаб бўлади. Мамлакат ва ҳудудий даражаларда меҳнат салоҳиятининг шаклланиши ва улардан

фойдаланиш яхлитдир, чунки уларнинг мақсадли йўналиши бир хил. Лекин улар миқдор, сифат ва сафарбарлик кўрсаткичлари жиҳатдан худудлардаги демографик муҳит, табиий-иқлим шароитлари, иқтисодийнинг ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар туфайли бир хил эмас. Бу ҳолат фақат иқтисодий ривожланишни пасайтирибгина қолмай, балки ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Ҳар қандай – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар демографик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, барча давлатлардаги жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. Туғилиш даражасининг тебраниши муайян вақтдан кейин таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда, меҳнат бозорида иш билан бандликда, давлатнинг ижтимоий соҳага харажатларида бевосита ўз аксини топади.

Аҳоли сонининг ортиши иқтисодийда қўшимча ишчи кучи яратишга талабнинг ортишига олиб келиши билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам қўшимча талаб ҳажмининг ўсишига олиб келади. Шу икки сабаб туфайли ҳам иқтисодий ўзини қайта ривожлантириш хусусиятига эга ҳисобланади.

Ушбу масалани ҳал қилишда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, маҳалла худудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш” [1] каби вазифалар белгилаб берилган.

Шундай қилиб, демографик ўзгаришларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, уни статистик таҳлил қилиш жуда зарур ҳисобланади.

МАЗЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Халқаро иқтисодий адабиётларда В.А. Борисов томонидан демографиянинг илмий назарий асослари, аҳоли тўғрисидаги маълумотлар, аҳоли таркиби ва уни ўрганиш усуллари, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишнинг демографик моҳияти, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, такрор барпо бўлиш қонуниятлари, оила таркиби, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли миграцияси, демографик прогнозлаштириш масалалари ўрганилган[2].

Иқтисодчи олимларимиздан бири Ш.Зокиров[3] ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий кудрати унинг демографик ривожланишига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳамда туғилиш ва ўлим кўрсаткичидаги ўзгаришлар ва истикболда кутиладиган ҳолатлар, никоҳ жараёнлари ва оилавий ажримлар, аҳолининг миграцион ҳаракати, аҳоли ўсиши мамлакатдаги ижтимоий тизимларга таъсир қилади деган фикрини билдирган.

Демографик жараёнлари устида кўплаб тадқиқотлар ўтказган иқтисодчи олимлардан бири Қ.Х. Абдурахмонов[4] томонидан демографик тенденциялар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири аниқланган. Шунингдек, аҳолининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, аҳолининг кексайиш муаммоси ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ёш гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар ҳамда Ўзбекистондаги демографик тенденциялар тадқиқ этилган.

Замонавий дунёда умр давомийлиги узайиб, парвариш ва ижтимоий қўллов зарур бўлган пенсионерларнинг ҳам улуши ортиб бормоқда. 2018 йилда бутун дунёда 65 ёш ва ундан юқори

бўлган инсонлар сони 5 ёшгача бўлган болалар сонидан ортиб кетди. Бу “аҳолининг қариши” дейилади.

Демограф Дмитрий Закотянскийга кўра, тез орада бу демографик муаммони ҳал қила олмайдиган давлатлар паст кўрсаткичли туғилиш қопқонига тушиб қолиши мумкин: уларда туғилишни рағбатлантириш учун эркин ресурслар қолмайди[5].

Республикада кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида меҳнат ёшигача бўлганлар салмоғининг ортиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдагилар улушининг камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш билан таъминлаш, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиш истиқболини белгилашга боғлиқ.


ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таҳлил жараёнида статистик маълумотларни тўплаш, жадвал ва графиклар, ўртача миқдорлар ва динамика қаторларини статистик таҳлил қилиш кўрсаткичларидан фойдаланилиб, муаллиф томонидан хулоса ва таклифлар берилган.

НАТИЖА ВА МУХОКАМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий маълумотларига кўра мамлакатимизда доимий аҳоли сони 2023 йил 1 январь ҳолатига 36 024,9 минг киши, 2022 йилда туғилганлар 932 192,0 минг нафар, вафот этганлар 172 075,0 минг киши, аҳолининг табиий ўсиши 760 117,0 минг кишини ташкил этиб, туғилиш ва вафот этиш коэффициентлари 26,2 ва 4,8 промиллега тенг бўлган. 1000та никоҳлар сонига тўғри келган никоҳдан ажралишлар сони 164,1 промиллени ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 54,1 фоизга кўпайган. Бу салбий ҳолат.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда демографик омилларга устувор аҳамият берилмоқда. Аҳоли кўпайиши билан бир йўла унинг зичлиги ҳам ошмоқда. Мамлакатимизда 01.01.2023 йилда аҳоли зичлиги бир кв. кмга 80,2 кишини, дунё бўйича эса 53,0 кишини ташкил қилган бўлиб, юртимиз дунёда аҳоли сони бўйича 41 ўрин, туғилиш кўрсаткичи бўйича 54 ўрин, ер майдони бўйича 56 ўрин ҳамда аҳоли зичлиги бўйича 134 ўринни эгаллаган[6].



1-расм. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сонинг ўзгариши

1 январь ҳолатига, миллион киши

Юқоридаги расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони йил бошига 1920 йилда 4,4 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг 1 январига келиб 8,2 баробарга кўпайган. Ўз навбатида, табиий ўсиш коэффициенти мос равишда 11,0 ва 21,4 промиллени ташкил этган. Аҳоли жинси бўйича эркеклар сони 50,3 фоизни, аёллар сони 49,7 фоизни ташкил этиб, 50,9 фоизи шаҳар аҳолисига, 49,1 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келган[6].


Илмий манбаларда кўрсатилишича, дунё аҳолисида янги туғилган чақалоқлар орасида ўғил болалар кўпроқ туғилади. Статистик маълумотларга қараганда, ҳар 100 та қиз боллага нисбатан туғилган ўғил болалар сони 105-106 тани ташкил этади. Ўғил болалар сонинг қиз болаларга нисбатан юқорилиги уларнинг 15-20 ёшларигача сақланиб қолади.

Иқтисодийда меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар меҳнатидан фойдаланиш «нуқта»лари бўлади. Улар орасида юқори ақлий малака ишлатишни талаб қиладиган фаолият турлари ҳам бўладики, улар инсондан юқори умумтаълим тайёргарлигини ва муайян амалий тажрибани талаб қилади. Кўпгина мактаб ўқитувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, шифокорлар, илмий ходимлар ва бошқа юқори ақлий фаолият турлари вакиллари борки, улар пенсия маррасидан ўтгандан кейин ҳам муваффақиятли меҳнат қилиб қелмоқдалар.

Демографик салоҳиятнинг гендер тавсифида аёллар репродуктив ва ижтимоий вазифаларни, эркеклар эса меҳнат ва ижтимоий вазифаларни бажаради. Аёлларнинг репродуктив вазифаси деганда аҳолини такрор барпо этиш учун ҳар бир оилада нечтадан фарзанд бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Аёл ўзининг репродуктив вазифасини бажариши учун, яъни бир авлоднинг ўрнини иккинчи авлод давом эттириши учун ҳар бир туғиш ёшидаги (15-49 ёш) аёл ўрта ҳисобда 2,15-2,17 та фарзанд кўриши керак. Аёл томонидан дунёга келган фарзандлар сони 1,8 дан камни ташкил қилса, туғилиш даражаси жуда паст, агар у 1,8-2,15 га тенг бўлса, туғилиш даражаси паст ҳисобланади. Айтиш жоизки, туғилишнинг йиғинди коэффициенти қийматлари юқори бўлса аҳолининг такрор барпо бўлиши кенгайиб боради. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2010 йилда 2,342 нафарни, 2021 йилда эса 3,173 нафарга тенг бўлиб, ўсиш суръати 135,5 фоизни ташкил этган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёш гуруҳлари бўйича аҳоли сонига эътибор берсак, 2015 ва 2023 йилларнинг бошида меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар 29,9 ва 31,7 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 61,4 ва 56,8 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар эса 8,7 ва 11,5 фоизни

ташқил қилган. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда жами аҳолининг ярмидан ортиқ қисми меҳнатга лаёқатли эканлигини, иқтисодиётнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси юқори эканлигини англатади. Буларга, албатта, туғилганлар ва вафот этганлар сони таъсир қилади.




2-расм. Ўзбекистонда туғилганлар сони, минг киши

Республикаимизда 2018-2022 йилларда туғилганлар сони барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, туғилганларнинг 482,4 минг нафарини ўғил болалар, 449,8 минг нафарини эса қиз болалар, яъни ҳар 100 қиз болага нисбатан туғилган ўғил болалар сони 2018 йилда 110тани, 2022 йилда эса 107тани ташқил қилган.

Мамлакатнинг демографик ҳолати туғилишларда тирик туғилишнинг улуши юқориликка боғлиқ ҳисобланади. Шу боисдан, туғилишларни таҳлил қилишда тирик туғилганлар сонига ҳам диққатни қаратиш лозим. Тирик туғилиш мамлакатла аҳолининг тиббий хизматлар билан таъминланганлик ва ушбу хизматларнинг сифат даражасини ҳам кўрсатиб беради.


Ўтказилган статистик таҳлиллар натижасига кўра, тирик туғилишга асосий сабаб туғилган чақалоқлар ота-онасининг ёши ҳисобланишини сабабли, туғилганлар сонини ота-онасининг ёши бўйича тақсимладик. Туғилганлар сонини аниқлашда Оила кодексига мувофиқ, туғилган чақалоқнинг онаси ёки отасининг доимий яшаш жойига қараб туғилган ҳудуди аниқланади ҳамда ўша ҳудуднинг аҳолиси сонига қўшилади. (3-расм).



3-расм. Ота-онасининг ёши бўйича туғилганларнинг тақсимланиши, 2022 йил январ-декабр, %да

Юқоридаги расм маълумотларидан кўринадики, болалар туғилиши ва уларнинг яшовчанлик даражасига ота-оналарининг ёши ҳам жиддий таъсир қилар экан. Буни, Ўзбекистонда ота-онасининг ёши 25-39 ёш оралиғида бўлган (83,4 % отасининг ёши бўйича, 60,1% онасининг ёши бўйича), болалар жами туғилган болаларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Бунга, бошқа бир томондан, менталитетимизнинг ҳам таъсири борлигини инобатга олиш зарур. Ота-оналарнинг ёши 40 ёшдан катта бўлган чақалоқлар жами туғилганларнинг энг кичик улушини ташкил қилади.

Мамлакатимизда туғилиш коэффицентини ортиб боришини минтақа мамлакатлари билан солиштириш орқали ўртача ҳолатда статистик баҳо беришимиз мумкин бўлади. Шу сабабли, МДҲ мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг туғилиш коэффицентини кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қиламиз(4-расм).




4-расм. Туғилиш кўрсаткичлари бўйича МДҲ давлатлари рейтинги, 2022 йил 1000 аҳолига нисбатан коэффицентини

Юқоридаги маълумотлар МДҲ бўйича мамлакатимизда туғилиш кўрсаткичлари энг юқори

даражада эканлигини ва истикболда ишчи кучи таъминоти ҳамда истеъмолчилар талаби бўйича янада ижобий кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини кўрсатади. Кейинги ўринларда ҳам Ўрта Осиё мамлакатлари, яъни Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатимизга жуда яқин даражада (мос равишда ҳар минг кишига нисбатан 23,5 ва 22,4 киши) юқори кўрсаткичга эга бўлган.

Табиий кўпайишга туғилиш билан бирга ўлим сони ҳам таъсир қилади. Шу сабабли, ўлим коэффиценти аниқланиб, бу кўрсаткич ҳар минг кишига нечта вафот этган кишилар сонини ифодалайди(5-расм).



5-расм. Ўзбекистонда ўлим коэффиценти, ҳар минг кишига ҳисобига.

Юқоридаги маълумотлар шундан далолат берадики, аҳоли орасида ўлим коэффицентининг йиллар давомида пасайиб бориши, туғилиш сонининг нисбатан ортиши билан бир қаторда, аҳоли орасида ўлим билан боғлиқ муаммоларни бартараф этилишида деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан, соғлиқни сақлаш тизими, аҳоли муҳофазаси соҳаларида тизимли ишларнинг ўз ўрнида олиб борилишини асосий омиллар сифатида олишимиз мумкин бўлади. 2022 йилнинг ўзида 60 ёш ва ундан катта бўлганлар орасидаги ўлим жами ўлганларнинг 55,4 фоизини ташкил қилган бўлиб, 20 ёшгача бўлган ёш гуруҳидагиларда 20,0 фоизини, қолган ёш гуруҳидагилар 24,6 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистонда демографик жараёнларни статистик таҳлил қилиш билан бирга, уларнинг истикболдаги натижаларини прогнозлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, келгуси даврлар учун аҳоли сонига таъсир қилувчи омилларни статистик баҳолаб, уларнинг орасидан статистик аҳамиятли даражаси энг юқори бўлганлари таъсирини инобатга олган ҳолда прогноз қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Аҳолини табиий ўсишида туғилишни узоқ муддатли истикболда ҳам демографик такрор барпо қилишнинг оддий режимини таъминлаш даражасида сақлаш, аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолига юқори сифатли, замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга

ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш, тўғри овқатланиш ва гигиена, соғлом ҳомиладорлик ва бола парвариши, репродуктив саломатлик масалаларида аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, ишлаб чиқаришда меҳнат қилишнинг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш, бахтсиз ходисалар, заҳарланишлар ва жароҳатларнинг олдини олиш каби чора тадбирларнинг таъсирини оширган ҳолда ўтказиб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони.
2. Борисов В.А. Демография. – М.: Издательский дом НОТА ВЕНЕ, 2009. – 272 с.
3. Зокиров Ш. Ўзбекистонда асосий демографик кўрсаткичлар: мавжуд динамикалар ва кутилаётган ўзгаришлар. Scientific progress. <http://www.scientificprogress.uz/> 109-116 б.
4. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Демография. Дарслик. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. - 364 Б.
5. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусакулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL_2022_ISSUE_7_1
6. Atajanovich Mamatov, A., Fayzullaevich Khurramov, A., Ahmadjonovich Mamatov, M., Davlatkulovich Anarkulov, A., & Khazratkulovich Khasanov, S. (2021, December). Integral Improvement of Economic Safety of the Regions. In *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems* (pp. 728-732).
7. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
8. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
9. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
10. Alikulov, A. T., Qudratova, M. P., & Xushvaqov, I. M. (2021). Analysis of the Activities of Securities of Commercial Banks at the RSE “Tashkent”. *Middle European Scientific Bulletin*, 18, 327-332.
11. Alisherovich, T. S., & Iskandarovich, R. R. (2021). Prospects for Household Entrepreneurship Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 79-84.
12. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKLAsterLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
13. Djalilov, R. H. (2021). The role of the cameral tax audit in the tax control of the republic of uzbekistan.
14. ДЖАЛИЛОВ, Р. РОЛЬ ИСТОЧНИКОВ ИНФОРМАЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ. *ECONOMICS*, (3), 42-46.

15. Alisherovich, T. S. (2022). ECONOMIC CONTENT OF HOUSEHOLDS. *Gospodarka i Innowacje.*, 150-155.
16. Alisherovich, T. S., & Isoqovna, A. G. (2022). Organizing Fundamentals of Digital Audit in the International Practice. *Miasto Przyszłości*, 24, 424-426.
17. Бердиев, А. Х. (2020). Использование инноваций в сельском хозяйстве является главным фактором эффективности. *Вестник науки и образования*, (3-2 (81)), 9-14.
18. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Туризм-перспективный сектор экономики Узбекистана. *Economics*, (2 (45)), 14-18.
19. A.J. Musagaliev, & B.T. Shodiev. (2022). Methodological Issues of Location and Effective Use of Wells in Pastures in Uzbekistan . *Partners Universal International Research Journal*, 1(1), 1–5. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6387977>
20. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 44(1), 81-87. <https://doi.org/10.56557/upjz/2023/v44i13394>
21. Farmanov, J. Z., Rimboeva, N., & Qaxramonov, F. (2022). MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1191-1197.
22. Farmanov, J., & Ogabek, S. (2021). The encourages of increasing agriculture economy by the government. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2477-2479.
23. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
24. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
25. Бутунов, Ш. Б. (2021). THE IMPACT OF MACROECONOMIC AND BANKING FACTORS ON THE LEVEL OF NON-PERFORMING LOANS: RESULTS FOR THE CIS COUNTRIES. *Economics*, (3 (50)), 33-42.
26. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
27. Muzaffarova, K., & Abdukarimov, K. (2022). FACTORS INFLUENCING THE FORMATION OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE REGIONS. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(5), 278-28
28. Музаффарова, К. З. (2022, December). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ. IN *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 18, pp. 131-134).
29. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
30. Azimova, H. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.

31. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.
32. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
33. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
34. Жумаева, Г. Ж. (2020). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УЧЕТА И АНАЛИЗА. *Экономика и социум*, (3 (70)), 283-286.
35. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ АСОСЛАШДА ИННОВАЦИОН ҲИСОБ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
36. Egamberdiyeva, S. R., Qodirov, F. I., & Shopiyev, R. R. (2022). BUXGALTERIYA HISOBINING MILLIY STANDARTLARINI MNXS GA UYG'UNLASHTIRISH ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 353-358.
37. Аминов Ф.Б. (2023). ЖИЗНЕННЫЙ УРОВЕНЬ НАСЕЛЕНИЯ ПО РЕГИОНАМ УЗБЕКИСТАНА. *Экономика и социум*, (2 (105)), 434-443.
38. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.
39. <https://kun.uz/37453967>
40. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.